

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ ЭРКИН ЮСУФОВИЧ

**ДИАБЕТИК ТОВОН СИНДРОМИНИНГ ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ
ТАНЛАШДА МИКРОЦИРКУЛЯЦИЯНИНГ БУЗИЛИШИНИ ВА
АРТЕРИОЛОСКЛЕРОЗНИ АНИҚЛАШ**

14.00.27 - Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Курбанов Эркин Юсуфович

Диабетик тоvon синдромининг даволаш тактикасини танлашда
микроциркуляциянинг бузилишини ва артериолосклерозни аниқлаш.. 3

Курбанов Эркин Юсуфович

Микроциркуляторные нарушения и артериолосклероз в выборе
тактики лечения синдрома диабетической стопы..... 21

Kurbanov Erkin Yusufovich

Microcirculatory disorders and arteriolosclerosis in choice of tactic for
treatment of diabetic foot syndrome 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ВА ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

КУРБАНОВ ЭРКИН ЮСУФОВИЧ

**ДИАБЕТИК ТОВОН СИНДРОМИНИНГ ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИНИ
ТАНЛАШДА МИКРОЦИРКУЛЯЦИЯНИНГ БУЗИЛИШИНИ ВА
АРТЕРИОЛОСКЛЕРОЗНИ АНИҚЛАШ**

14.00.27 - Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.2.PhD/Tib.691 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифасининг www.rscs.uz ва «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Бабаджанов Бахтиер Дусчанбаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Асамов Равшан Эркинович тиббиёт фанлари доктори, профессор Исламов Миралишер Садриддинович тиббиёт фанлари доктори
Ведущая организация:	«А.В. Вишневский номидаги хирургия миллий тиббий текшириш маркази» Федерал Давлат бюджет ташкилоти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (56-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2018 йил «_____» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятков

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотига кўра, «дунёда қандли диабет (ҚД) билан касалланганларнинг сони 1980 йилдаги 108 миллиондан 2014 йилга келиб 422 миллионгача ошган. Мутахассисларнинг ҳисоблашича, бу ҳар йили ҚД билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган 1,5 млн. одам ўлими қайд этилади, яна 2,2 млн. ўлим ҳолати эса қондаги юқори глюкоза миқдорига боғлиқ бўлган»¹. Даволашдаги баъзи ютуқларга қарамасдан, ҚД касаллиги пандемияга айланиб қолган энг муҳим касалликлардан бири, деб тан олинган. Касалланиш геометрик прогрессияда кўпаймоқда. «Ҳалқаро ҚД федерацияси маълумотларига кўра, 2040 йилга келиб, ҚД билан касалланган беморлар сони 642 миллион кишини ташкил қилади. Назорат қилинмаган ҚД нинг умумий натижаси гипергликемия бўлиб, вақт ўтиши билан кўплаб тана тизимларига, айниқса асаб ва қон томирларига жиддий зарар етказди»². Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти прогнозларига кўра, 2030 йилда ўлим сабаблари орасида ҚД еттинчи ўринни эгаллайди². Диабетнинг оғир жарроҳлик асоратларидан бири – диабетик товон синдроми (ДТС) ва оёқнинг диабетик гангренадир (ОДГ). Даволаш ва ташхислаш технологияларининг ривожлантиришига қарамасдан, бу гуруҳ асоратларни, қониқарсиз даволаш натижалар ҳали юқори кўрсаткичда қолиши жиҳатидан муаммонинг долзарблигини юқори сақлаб қолмоқда, бунинг натижасида беморларни ногиронликка олиб келувчи ампутацияларни амалга ошириш керак бўлади.

Жаҳон амалиётида ҚД ва ДТС ривожланиш патогенезини ўрганишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар амалга оширилмоқда, шу жумладан, аҳоли генетик хусусиятларига боғлиқ равишда касалликнинг тарқалишини аниқлаш, касаллик ва асоратларининг эҳтимоли бўлган гуруҳларида касалликнинг оғирлигини морфологик ва функционал баҳолаш мезонларини ва эҳтимоли бўлган асоратларни прогностик фарқлашга қаратилган текширувлар ўрганилмоқда. Ҳозирги даврда оптимал даволаш тактикасини патогенетик асосланган танлашни такомиллаштиришнинг асосий мақсади, диабетик ангиопатия механизмларида патологик жараённинг жадаллашувининг иммуногистохимик хусусиятларини жараённинг маҳаллийлаштириш, оёқ артериялари зарарланиш хусусиятларини ўрганишга қаратилмоқда, бунда алоҳида эътибор оёқлардаги деструктив ўзгаришлар даражасини ўрганиш, уларнинг таянч вазифасини сақлаш диагностик мезонларини аниқловчи махсус мониторингни ишлаб чиқишга қаратилган. Шу сабабли бугунги кунда ДТСни барча ташхислаш имкониятлари ва хирургик даволаш усуллари такомиллаштиришни ҳисобга олувчи дифференциаллашган даволаш тактикасини ишлаб чиқиш долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

¹ World Health Organization. fact sheet no.377. World Health Organization website 2017. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/diabetes>.

² William R. Rowley, Clement Bezold, Yasemin Arikian, Erin Byrne, Shannon Krohe. Diabetes 2030: Insights from Yesterday, Today, and Future Trends // Population Health Management – 2017. – 20 (1). – P. 6-12.

Ҳозирги кунда юртимизда тиббиётнинг устувор йўналишларидан бири, унинг сифатини тубдан яхшилаш ва аҳолига юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни кенгайтириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат. Хусусан, диабет билан оғриган беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилди. Шу билан бирга, беморларнинг ушбу мураккаб тоифасида даволаниш натижаларини яхшилаш ва ногиронлик хавфини камайтириш учун терапевтик ва жарроҳлик ёндашувини такомиллаштириш бўйича қўшимча тадқиқотлар зарур. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган. Ушбу муаммоларнинг ечими “Аҳоли орасида ўлим ва касалланиш даражасини пасайтириш” га қаратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари билан чамбарчас боғлиқ¹. Бу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, ташхислаш тадбирларини оптималлаштириш ва жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш орқали ДТС ли беморларни даволаш натижаларини такомиллаштириш долзарб йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги ПҚ-266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ангиопатия асосида кўп ҳолларда артерияларнинг ўрта қатламини кальцификацияланиши ётади. Қандли диабетда артерия деворининг “эктопик кальцификация” шаклида зарарланиши биринчи бўлиб 1903 йилда Йоган Менкеберг (J.G. Monckeberg). томонидан тасвирланган. «Ҳозирги кунда бу патологик жараёнлар турли хил атамаларга эга – Менкеберг артериолосклерози, артериосклероз, медиакальциноз, кальциноз»². «Артерияларнинг қалинлашиши ва склероз фонида юзага келадиган медиакальциноз ёшдан ёшга ўсиб боради: ёшларда

¹ ЎзР Президентининг 07.02.2017й.даги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари тўплами.

² Талаева Т.В. Сосудистая кальцификация: реальность и гипотезы // Здоров'я України. – 2014. - №1. – С. 56-60.

5% дан кексаларда 37% гача. ҚДли беморларда Менкеберг артериолосклерози, углевод алмашинуви бузилган беморларга нисбатан 3 марта кўпроқ учрайди»¹. Артерия деворининг кальцинози рентген нурлари ва оёқ томирларининг дуплекс сканирлашда аниқ кўринади². Медиакальцинознинг ривожланиши биринчи навбатда полинейропатия шаклланиши билан боғлиқ. Аутосимпатэктомия шароитида қон томир девори миоцитларининг озикланиши бузилади ва кальций ўтириши билан кечади. Натижада, артерия бир хил диаметрли қаттиқ найчага айланади, бу эса оёқлар “функционал” ишемиясининг ривожланишига шарт-шароит яратади³. Бундан ташқари, бир қатор тадқиқотлар, қон айланиши ҳажмининг камайиши ва оёқ - билак индекси 0,9 дан ортиқ бўлишига қарамасдан, ишимияга олиб келувчи оёқ артериялари деворларининг қаттиқлиги ёки “зичлиги ошиши” мавжудлигини қайд этган⁴.

Ушбу ҳолат ривожланишининг патогенетик йўллардан бири артериал деворнинг оксиланинг гликирланишидир. Томир деворидаги гликирланиш жараёни маҳсулотларининг тўпланиши, эндотелий тузилмасининг бузилишига, тромботик асоратларга олиб келувчи ва қон томирларнинг ёпилиши учун субстратдир. Микроциркулятор тармоқни ўрганиш бўйича маълумотлар бир хил эмас. Кўпгина морфологик тадқиқотлар ҚДли беморларда базал мембранада ва қон томир деворининг бошқа таркибий қисмларида ўзгаришлар аниқланган. Тадқиқотчилар томонидан диабетнинг асоратлари, айниқса, оёқларнинг деструктив зарарланиши ривожланишидаги микроциркулятор тармоқдаги морфологик ўзгаришларнинг эҳтимол патогенетик ролига катта эътибор қаратилган. «Ушбу боғлиқликнинг аниқ далиллари, капиллярларнинг морфологик ўзгаришлари ва дисфункциясининг корреляцияси бўйича кўплаб маълумотларга қарамасдан, оёқ тўқимаси некрозини ривожланишида микроангиопатиянинг мустақил омил сифатида аҳамияти исботланмаган»⁵. «Шу билан бирга, ҚД бўлган беморларда оёқ ампутацияси умумий популяцияга қараганда 10 - 15 баробар кўпроқ бажарилиши»⁶, микроциркулятор ўзгаришларни ўрганишга туртки бўлади.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, кўп сонли тадқиқотларга қарамасдан, ДТСнинг ривожланишининг турли босқичларида ҚДдаги артериолосклерознинг патогенезини ўрганиш муаммоси ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда, бу омил жарроҳлик усулида даволаш тактикасини

¹ Галстян Г.Р., Токмакова А.Ю. и др. Заболевания артерий нижних конечностей у пациентов с сахарным диабетом: состояние проблемы и перспективы лечения // Сахарный диабет. – 2011. – № 1. – С. 74-79.

² Митиш В.А., Пасхалова Ю.С., Ерошкин И.А., Галстян Г.Р., Блатун Л.А. Гнойно-некротические поражения при нейроишемической форме синдрома диабетической стопы // Хирургия, 2014. – N 1. – С. 48-53.

³ Петрухин А.В. Лечение диабетической макроангиопатии // Справочник врача общей практики, 2018. – N 6. – С. 39-50.

⁴ John N. Stabley, Dwight A. Towler. Arterial Calcification in Diabetes Mellitus. Preclinical Models and Translational Implications // Arteriosclerosis, Thrombosis, and Vascular Biology. – 2016. – 37 (2). – P. 205-207.

⁵ Михалойко И.Я., Скрипко В.Д., Сабадош Р.В., Коваленко А.Л. Оптимизация лечения больных пожилого возраста с синдромом диабетической стопы и медиакальцинозом артерий // Успехи геронтологии, 2016. – N 1. – С.102-106.

⁶ Мельситов В.А. Оптимизация оказания хирургической помощи больным с синдромом диабетической стопы: Автореф. дис. ... канд. мед. наук. – Саратов. – 2014. – 21 с.

танлашда ҳисобга олинмайди ва ҳозирда ишлатиладиган ташхислаш усуллари ушбу асоратланган беморларда микроциркулятор ўзгаришларни тўлиқ ифодалаб бермайди. Шунга кўра, юқорида келтирилган муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилларидан бири ДТСни ташхислаш ва даволаш усуллари янада такомиллаштиришдан иборат.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши қуйидаги Самарқанд давлат тиббиёт институтининг “Тиббиёт ва аҳоли саломатлигини асрашда янги усул ва технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” (2012-2016йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оёқларда микроциркулятор бузилишлар ва артериолосклероз (артериосклероз) босқичини ўрганиш, хирургик даволашни такомиллаштириш ва даволаш-ташхислаш чора-тадбирлари алгоритмини ишлаб чиқиш йўли билан диабетик товон синдроми бўлган беморларни даволаш натижаларини оширишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

радиоизотоп текширувидан фойдаланиб ДТС ва ОДГ бўлган беморларда учрайдиган оёқ микроциркуляция ўзгаришларини аниқлаш;

ДТС ва ОДГ касалликларида артериолосклерозни баҳолаш учун рентгенологик мезонларни аниқлаш;

ДТС билан касалланган беморларни анъанавий даволаш натижаларини ўрганиш ва асоратларнинг сабабларини аниқлаш;

ДТС билан оғриган беморларда ташхислаш натижаларига кўра, анъанавий даволаш усуллари такомиллаштириш;

нур текширув усуллари натижаларига кўра, ДТСли беморларни даволашнинг тактикасини танлаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2000-2017 йилларда Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий касалхонаси йирингли хирургия бўлимида, Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси Республика йирингли хирургия марказида қандли диабетнинг жарроҳлик асоратлари даволанган қандли диабетли (221 нафар ДТС ва ОДГ бўлган) ва қандли диабетсиз (29 бемор) 250 нафар беморлар хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ДТС билан касалланган беморларда турли жарроҳлик амалиётлари бевосита натижалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни ечиш учун ушбу усуллардан фойдаланилди: умумий клиник, лаборатор, радиоизотоп, рентген, ультратовуш, морфологик ва статистик текширув усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бир томонлама оёқ бармоқларини ампутация қилиш, ДТС фонида қўшма зарарланганда ампутация қилиш, патологик жараённинг кейинги ривожланишини ва гангрена ривожланишининг олдини олиш усули ишлаб чиқилган;

артериолосклерозининг намоён бўлишини рентгенологик аниқлаш мезонларини ва унинг ДТСда патологик жараённинг оғирлигига таъсири мезонлари аниқланган;

^{99m}Tc-пертехнетатни оёқ териси остига юбориш орқали радиоизотоп текшируви ёрдамида ДТС билан оғриган беморларда оёқ микроциркуляцияси бузилиш даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

ДТС касалликларида оёқнинг йирингли некротик жароҳатларининг жадаллашиш механизмлари ўрганилган ва орган сақловчи амалиётларнинг бажарилиши асосланган;

бармоқларнинг диабетик гангренасида Шарп бўйича оёқнинг трансметатарзал резекцияси ва оёқнинг II, III, IV бармоқларининг алоҳида зарарланиши ампутация қилиш усуллари такомиллаштирилган;

рентген-радиоизотоп-ультратовуш текширувлари натижасига кўра, ДТСнинг кечиш оғирлиги комплекс баҳолаш мезонлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ДТС билан оғриган беморларда оёқ функционал ҳолатини объектив баҳолашга имкон берадиган нурли текширув усуллариининг самарадорлигини микроциркуляция ўзгаришларини ва Менкеберг артериолосклерозининг босқичи ҳисобга олинган ҳолда аниқланган;

текширув натижаларига кўра, қайта амалиётлар ва катта (юқори) ампутацияни ўтказиш хавфини камайтиришга имкон берадиган, товонда амалиёт усули ишлаб чиқилган;

рентген-радиоизотоп-ультратовуш текшируви натижалари ва аъзоларни сақловчи жарроҳлик муолажаларини амалга ошириш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ДТС касаллигини даволаш тактикасини танлаш учун алгоритм ишлаб чиқилган;

ДТСда ярани етарли тозалаш ва қирғоқларини яқинлаштириш, бармоқларнинг деформациясини олдини олиш имконини берувчи метатарсал суяги резекцияланувчи амалиёт усуллари такомиллаштирилган;

ДТС ва ОДГли беморларда операциядан кейинги асоратлар ва ногиронлик частотасини камайтиришда таклиф этилган текшириш ва даволаш усуллариининг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, кенг қўлланиладиган клиник ташхислаш ва статистик усулларни қўллаб тасдиқланган. Барча олинган натижалар ва хулосалар тиббиёт тамойилларига асосланган далилларга асосланган. Статистик ишлов натижаларининг ишончлилигини тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, олинган хулосалар ва таклифлар патогенез жараённинг келажақда кечиши башорат қилиш имкониятини имкон берувчи ДТС кечиши клиник ва функционал хусусиятларини ўрганишда катта хисса қўшади. Артериолосклероз намоён бўлишининг рентгенологик тасдиқлаш мезонлари аниқланган ва унинг ҚДда патологик жараённинг оғирлигига таъсири

ўрганилган. Тадқиқот алоҳида натижалари талаба, магистр ва клиник ординаторларга ДТС билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволашни ўргатиш дастурларини таркиби ва тузилмасини такомиллаштириш учун ишлатилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, тадқиқотдаги тавсиялар, ДТСли беморларда даволаш-ташхислаш чора табдирларининг оптимал усуллари сифатида ишлатилиши мумкин. Микроциркулятор ўзгаришлар ва Менкеберг артериолосклерозининг босқичларини тавсия этилган аниқлаш мезонлари, ДТСда оёқлар функционал ҳолатини объектив аниқлаш имконини беради. Тавсия этилган алгоритм ва ишлаб чиқилган аъзоларни сақловчи амалиёт усуллари қайта амалиётлар сонини, катта ампутациялар сонини ва беморлар ногиронлигини камайтирган, беморларнинг шифохонада бўлиш давомийлиги ва реабилитация даврини қисқартирган, ҳаёт сифатини оширган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ДТС билан беморларнинг хирургик даволашга қаратилган илмий тадқиқотлар натижаси асосида:

«Бир томонда жойлашган товон бармоқларини қўшма зарарланишида ампутация усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 04963-сон патент, 2014 йил). Тавсия этилган аъзоларни сақловчи амалиёт усули қайта амалиётлар ва катта ампутациялар бажариш хавфини камайтирган;

«Диабетик товон синдромини ташхислаш ва даволашда янги ва стандарт ёндашувлар» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 25 июлдаги 8н-д/167-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсияларни амалиётга татбиқ этиш беморларни шифохонада даволаниш ҳаражатларини 2,5 мартага камайтиришга имкон берган;

ДТСли беморларни хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси марказий касалхонаси йирингли хирургия бўлими, Самарқанд давлат тиббиёт институти 1-клиникаси рентген-радиология бўлими, Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси Республика йирингли хирургия марказлари амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 25 июлдаги 8н-д/167-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари қайта амалиётларни 30,85%дан 6,94%гача, катта ампутацияларни 40,43%дан 9,6%гача, шифохонада бўлиш ўртача давомийлигини $23,35 \pm 2,82$ кундан $17,15 \pm 1,46$ кунгача қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2та халқаро ва 5та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 5та мақола, улардан

3таси республика ва 2таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, изланишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, илмий янгиликлар ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти келтирилган, муҳокамадан ўтказиш ва илмий иш натижаларининг нашр қилинганлиги, ҳажми ҳамда диссертациянинг қисқа тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“ДТС ва ОДГли беморларни ташхислаш ва даволашнинг муаммоларининг ҳозирги ҳолати”**, деб номланган биринчи бобида қандли диабет эпидемиологиясини акс эттирувчи адабиётларни ва ДТС билан касалланган беморларни ташхислаш ва даволаниш муаммосини таҳлил қилади. ДТС билан касалланган беморларни диагностика ва жарроҳлик даволаш усуллари ҳақида батафсил маълумот берилади. Келгусида етимни талаб қиладиган долзарб масалаларни ўрганилган.

Диссертациянинг **“Илмий изланишнинг материали клиник хусусиятлари ва қўлланилган текширув усуллари”**, деб номланган иккинчи бобида клиник материал умумий хусусияти таснифланган, мавжуд ва ишлаб чиқилган текширув усуллари тасвирланган ва ДТСли беморларни анъанавий даволашнинг асосий нуқталари тасвирланган. Ушбу тадқиқот 2000-2017 йилларда Самарқанд ШТБ МКда (238 бемор) йирингли хирургия бўлимида, ТМА 2-клиникасида РЙХМ (12 бемор) да даволанган 221 нафар ДТС ва ОДГ бўлган ва қандли диабетсиз 29 бемор хизмат қилади. Ҳаммаси бўлиб 250 бемор. Барча беморлар 2 гуруҳга бўлинади.

I гуруҳ (назорат) ДТС ва ОДГ бўлган 80 нафар беморни ташкил этди, уларда анъанавий усул бўйича даволаш ва диагностика тадбирлари амалга оширилган. II (асосий) гуруҳ 170 нафар беморни ташкил этди ва улар икки гуруҳга бўлинган. Улардан II -А гуруҳи ДТС ва ОДГ билан касалланган назорат гуруҳи 79 нафар бемор, таққослаш учун биз таклиф этган усулда текширилган: 1) стандарт рентгенограмма, аммо Менкеберг артериолосклероз босқичини ҳисобга олган ҳолда; 2) оёқлар микроциркуляциясини радиоизотоп текшируви (РИТ). Рентгенологик Менкеберг артериолосклерозининг 5 босқичи ажратилди: 1-босқич - паст зичликдаги чизикли соялар; 2-босқич - 1- интерметатарзар ораликдаги ҳалқасимон соя; 3-босқич - қон томирлари деворининг қисман кальцификацияси; 4 босқич - томир деворларини “тутунли оқими” шаклида кальцификацияси; 5-босқич - томир деворларининг “ўралган ип” шаклидаги аниқ кальцификацияси. Даволаш Менкеберг артериолосклерозининг босқичи

асосида амалга оширилди. II-Б гуруҳида 91 беморни ўз ичига олган - ҚД бўлмаган беморларда таклиф қилинган диагностик усулларнинг натижаларини аниқлаш, даволаш ва ташхислаш алгоритмида бошқа диагностик усулларнинг аҳамияти аниқланган. Улар орасида ҚД бўлмаган йирингли яллиғланишли касалликлар бўлган 29 бемор киритилган. Ўз навбатида, уларнинг 15таси оёқлар микроциркуляцияси ҳолатини аниқлаш учун ҚД ва оёқ томирлари патологияси мавжуд бўлмаган беморлар; қолган 14 нафари ҚД сиз, аммо облитерацияловчи атеросклероз ёки эндартериит билан касалланган, мақсад Менкенберг артериолосклерозининг мавжудлигини аниқлаш бўлган. II-Б гуруҳининг яна 62 нафарига замонавий текширув усуллари қўлланилган: дуплекс сканерлаш (ДС) ва оёқ артерияларининг мультиспирал компьютер томографияси (АМСКТА).

Беморларнинг асосий ва назорат гуруҳлари жинсига кўра қуйидагича тақсимланди: беморларнинг 64,8% эркаклар (назорат гуруҳида 66,3% ва асосий гуруҳда 64,1%). ҚД беморларнинг ёши 22 дан 82 ёшгача бўлган. Беморларнинг аксарияти (85%) 45 ёшдан 74 ёшгача бўлганлар.

Беморларнинг аксарияти II тип ҚД: назорат гуруҳида - 86,3%, асосий гуруҳда - 95,7% беморларда бўлган. Беморлар умумий сонининг асосий қисмида ўрта даражадаги ҚДли беморлар 62,9%ни ташкил этган. Бирок, асосий гуруҳда ҚД нинг оғир шакллари 5 баробар кўп эди.


Клиник маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, беморларнинг 61,5% да 10 йилдан ортиқ диабетик анамнез мавжуд бўлган. Касалликнинг бошланиш вақтидан ДТСнинг назорат гуруҳида жойлашиши учун ўртача $34,7 \pm 3,4$ кун, асосий гуруҳда эса $29,1 \pm 3,9$ бўлган, бу эса жуда кеч мурожаат этишдир.

Тадқиқот натижаларини статистика ишлов стандарт Microsoft Excel 2007 дастурлари ёрдамида амалга оширилган, статистик ишончли даражаси сифатида $P < 0,05$ белгиланди.

Диссертациянинг **“Назорат гуруҳида ДТС ва ОДГ бўлган беморларни ташхислаш ва даволаш натижалари”**, деб номланган учинчи бобида назорат гуруҳидаги оёқ артерияларида Менкеберг артериолосклероз шаклидаги рентгенографик ўзгаришлар ва ДТСдаги патологик жараёнларнинг кечишига таъсири ўрганилди. Назорат гуруҳидаги даволаниш натижаларининг таҳлили шуни кўрсатдики, кўп сонли такрорий амалиётлар - 30,9% ва катта ампутацияларнинг юқори частотаси - 40,4% (Болдирда 9 ампутация ва 29 сонда ампутация) аниқланди. Айрим ҳолларда 3-4 амалиёт бажарилди. Беморларнинг шифохонадаги ўртача даволаниш давомийлиги $23,4 \pm 2,8$ кун бўлган. Беморларнинг 2 (2,5%) ҳолатида ўлим ҳолатлари кузатилди, бу эса беморларнинг аҳволининг оғирлиги, кеч мурожаат этганлиги ва қўшма касалликлари сабаб бўлган. Менкебергнинг артериолосклерози тезлиги назорат остида 61,3%ни ташкил этди. Назорат гуруҳида қониқарсиз натижаларнинг таҳлили, Менкеберг артериолосклероз ва ДТСли беморлар хирургик даволашни такомиллаштириш билан боғлиқ бир қатор қонунийликни аниқлаш имконини берди. Товоннинг бир

қисмининг йукотишга қарамасдан, таянч вазифасини сақлаб қолган амалиётлар аъзоларни сақлаб қолувчи сифатида қабул қилинган.

Назорат гуруҳида ДТС ва ОДГ билан касалланган беморларда яра ҳолатини доимий кузатиб бориш қуйидагиларни кўрсатди: амалиётнинг оқибати жарроҳнинг шу суякка нисбатан хирургик тактикасига боғлиқдир. Ҳозирги кунга келиб, оёқ ёки бармоқнинг бир қисмини олиб ташлаш, суякнинг эксартикуляция қилиш ва буғим юзасини сақлаб қолиш энг мақбул деб келинади, лекин клиникамизда назорат гуруҳида ҚД бўлган беморларда бу тасдиқланмади. Буғим юзасида яллиғланиш жараёнининг метафиз проекциясида давом этиши (1-расм, А), деярли бутун буғим юзасининг ажралиши (1-расм, Б), оёқ найсимон суяклари эпифиз ва метафизининг (одатда метатарсал) йўқ бўлиб кетиши (8 та ҳолат - 66, бажарилган барча экзартикуляцияларнинг 7%) (1-расм, В)



1 расм. Метатарзал суяги бошчаси деструкциясининг динамикаси

“Бармоқ экзартикуляцияси” атамаси билан биз метатарсофалангеал буғимда метатарсал суяк резекциясини олмасдан бармоқни олиб ташлашни назарда тутдик ва “бармоқ ампутацияси” атамаси метатарсал суяк резекцияси билан бармоқ эксартикуляциясини билдиради. Менкенберг артериолосклерозида бармоқнинг ўз вақтида ампутацияси бажарилган ҳолатларда фақат ижобий натижаларга эришилди, метатарсал суяги резекцияси бир вақтнинг оъзида амалга оширилди. Бироқ, кўндаланг, қатый горизантал ҳолатдаги 1-ва 5-метатарсал суяги резекция қилинган ҳолларда, резекция қилинган суякнинг юмшоқ тўқималаридан бўртиб чиқиши пальпация билан аниқланди. Кейинчалик бу дағаллашиш ва ярали куқсон пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Метатарзал суяк бошининг анъанавий резекциясини яхшилаш мақсадида 1 ёки 5 бармоқни зарарланганида, метатарзал суякнинг 1/2-2/3 қисмини бурчак йўналиши бўйлаб (2014 йил 8 октябрдаги №IAP 04963-сонли ихтирога патент) қийшиқ кесишга қарор қилинди.

2-бармоқнинг (ёки 3-, 4- бармоқларнинг) изоляцияланган жароҳати (бармоқларнинг бирида суяклар гангренаи ёки остеомиелити) бўлса, бармоқни эксатрикуляция қилиш вақтида кириш майдони чекланганда метатарснинг бошини резекция қилиш давомида жароҳатни этарли даражада тозалаш имконини бермайди. Ярагинг тузалиши узок муддатга чўзилган. Шунинг учун бундай ҳолатларда амалиёт техникасини қуйидагича

такомиллаштиришга қарор қилдик: бармоқ ампутациясини метатарзал суякнинг пастки учлигига қалар понасимон шаклда кесиш ва метатарзал суякнинг камида 2/3 қисмини резекция қилиш (2012 йил 4 майдаги № 627-сонли рационализаторлик таклифи гувоҳномаси).

Оёқнинг бир томонидан (1, 2, 3 ёки 3, 4, 5-чи) бир нечта бармоқларнинг қўшма зарарланишларида метатарзал суякларнинг поғонали резекцияси билан бармоқларни кесиш орқали анъанавий жарроҳлик усулини такомиллаштиришга қарор қилинди (2014 йил 8 октябрдаги № IAP 04963-сонли ихтирога патент)

Назорат гуруҳидаги Лисфранк буғимида экзартикуляция натижаларини таҳлил қилиб натижасида (назорат гуруҳидаги барча беморлар орасида 6 та ҳолатни 6,38% ташкил этди) тарзал проекциядаги амалиётлардан воз кечиш кераклиги ва бу ҳолатларда Шарп бўйича товонни трансметатарзал резекциясини қўллаш кераклиги тўғрисида хулосага келдик (2012 йил 4 майдаги №628-сонли рационализаторлик таклифи гувоҳномаси).

Юқоридаги хулосалар билан бир қаторда Менкеберг артериолосклерозиди мавжуд бўлган беморларда амалиётларни таҳлил қилиш оёқ артерияларининг кальцификацияси билан боғлиқ бўлган бир нечта қонунийлини аниқлади:

Менкеберг артериолосклерозиди мавжуд бўлганида *a. metatarsa dorsalis prima*, *r. plantaris profundus* (одатда 2-3, 2-4 босқичда), 1 бармоқ ампутациясининг самарадорлиги (7дан 4та ҳолатда) кузатилди.

1-босқичли артериолосклероз мавжуд бўлганида *a. metatarsa dorsalis prima*, бармоқни консерватив даволаш ва некрэктомия бажариш билан сақлаб қолиш имконини берди. (5та ҳолатдан 5тасида).

Бармоқнинг гангренази ҳолатида, оёқнинг асосий артерияларида сақланган пульсация бўлган артериолосклероз мавжуд бўлмаган ҳолатларда, бармоқнинг экзартикуляциясини метатарзал суякни резекция сиз бажақилмасдан бажариш имкони борлигидан далолат беради.

a. dorsalis pedis нинг *a. tibialis posterior*, *a. metatarsa dorsalis prima*, *r. plantaris profundus* билан биргаликда зарарланиши 2, 3, 4, 5 бармоқларни некрозига олиб келди (9та ҳолатда улардан бирини ёки бир нечтасини биргаликда некрози).

5 босқич тотал Менкеберг артериолосклерозиди (2-расм) оёқ артерияларидан бирида магистрал қон оқими сақланганда, фақат Шарп бўйича товоннинг трансметатарзал резекцияси самарадорлиги кузатилди (1 ҳолатдан 1тасида). Товонда тотал артериолосклерознинг мавжудлигида бажарилган аъзони сақловчи амалиётлар ҳеч бир ҳолатда ижобий натижа бермаган (6тадан 6та ҳолатда).

5 босқич тотал Менкеберг артериолосклерозиди ДТСнинг деструктив шаклларида оёқ артерияларининг ҳеч бирида магистрал қон оқими мавжуд бўлмаган ҳолатларда аъзони сақловчи амалиётлар ижобий натижа бермаган.

Диссертациянинг “**Асосий гуруҳда ДТС, ОДГ ва ҚД бўлмаган беморларнинг ташхислаш ва даволаш натижалари**”, деб номланган

тўртинчи бобида асосий гуруҳдаги ДТС билан касалланган беморлар учун хирургик даволаш тактикасини танлаш ва артериолосклерознинг рентгенологик кўринишини қўллашнинг самарадорлиги ўрганилди. Бундан ташқари, биз РИТни ДТСнинг турли босқичларида микроциркулятор ўзгаришларини ўрганиш мақсадида қўладик.



2 расм. Рентгенограмма, 5 босқич тотал артериолосклерози

Асосий II-A гуруҳида бажарилган амалиётлардан 6бтаси оёқнинг товон даражасида ампутация бажарилди, бу эса 91,7%ни ташкил этди; 8та катта ампутация, 8,3%ни ташкил этган, 1 нафар бемор сонидан ампутация қилишдан бош тортган ва 3 кундан кейин чиқарилган (шунинг учун катта ампутациялар 9,6%ни ташкил қилади). Катта ампутациялардан 2таси болдир даражасида амалга оширилди, бу 2,8% ва сондан 4 ампутация 5,6%ни ташкил этди. 1 беморда (1,3%) ўлим ҳолати кузатилди, бу ҳолат беморнинг мурожаат вақтида аҳволи оғирлиги, кеч мурожаат қилганлиги, кўшимча касалликлари билан боғлиқ. Менкеберг артериолосклерозининг тарқалиши 62,0%ни ташкил этди. Асосий гуруҳда такрорий амалиётлар 5 беморда бажарилди, бу эса барча такрорий операцияларнинг 6,9% (5 такрорий операция) ташкил этди. Ушбу такрорий амалиётларнинг сабаблари қон томир тизимидаги ўзгаришлар етарли баҳоланмаганлиги ва беморнинг тавсия этилган катта (юқори) ампутациядан бош тортиши эди. Асосий гуруҳда анамнезни ўрганиш 30 (38%) беморда йирингли некротик ўзгаришлар бошланганидан 30 ёки ундан ортиқ кун ўтгач касалхонага мурожаат қилганлигини кўрсатди. Асосий гуруҳ II-A барча беморлари орасида ДТС белгиларининг пайдо бўлишидан касалхонага ётқизилишигача давр ўртача $24,3 \pm 2,6$ кунни ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги беморларга ҚД пайдо бўлганидан то касалхонага ётқизилганча муддат давомийлиги ўртача $9,6 \pm 0,6$ йилни ташкил этди, бунда назорат гуруҳи билан фарқ аниқланмади ($P > 0,05$).


Қонни текшириш натижалари шуни кўрсатдики, беморларнинг очликда қондаги глюкоза миқдори $9,8 \pm 0,4$ ммоль/л оралиғида ўзгариб турган, бу эса тананинг интоксикации ҳолати ва беморларнинг гликемияни ёмон коррекция қилганлиги билан изоҳланади. Инфекция манбаини тозалаш, некротик жараённи бартараф этиш, углевод алмашинувини тузатиш ва интоксикация

билан курашиш қондаги очликда гликемияни $8,0 \pm 0,2$ ммол/л. дан, 7-кунда ва бемор шифохонадан чиқарилишида $6,8 \pm 0,2$ ммол/л. гача пасайишига олиб келди ($P < 0,0001$).

Асосий II-A гуруҳидаги барча 79 ва II-B гуруҳида 15 беморга РИТ бажарилди. Даволаш РИТ натижаларидан қатъий назар, назорат гуруҳини таҳлил қилишда аниқланган натижаларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган хирургик даволаниш ўтказилди.

Даволаниш натижаларини ўтказилган РИТ билан қиёсий таҳлил қилиш турли миқдорий ва график кўрсаткичлар билан фарқланувчи беморларни уҳта кичик гуруҳига ажратиш имконини берди: 1) оёқ йирингли яллиғланиш касалликлари бўлган ҚД сиз ва томир касалликлари бўлмаган беморлар (15 бемор); 2) ДТС ривожланган диабетик ангио-нейропатия белгилари бўлган беморлар, уларда консерватив даволаш ва аъзоларни сақловчи амалиёти ўтказилган. Патологик жараённинг кечиши ижобий давом этди ва катта ампутациялар кузатилмади (72 бемор). 2) Катта ампутация бажарилган ОДГ бўлган беморлар (7 бемор).

1-кичик гуруҳга кирувчи беморларда РФП резорбцияси тезда юз берди. РФП ярим резорбция вақти $5,8 \pm 0,3$ мин ($T_{1/2} < 10$ мин) ни ташкил этди. Натижада, дори резорбциясининг график шакли, одатда “таёк” шаклида бўлди (3-расм, 1-чизик). 2-кичик гуруҳ (асоратланмаган ОДГ) бўлган беморларда РФП резорбцияси нисбатан секин юз берди. Препаратнинг ярим резорбция вақти ўртача $15,4 \pm 0,4$ мин ($T_{1/2} = 11-30$ мин – $P < 0,0001$) ни ташкил этди. Воситанинг резорбцион эгрилигининг график тасвири бироз “ёйсимон” шаклини олиб, шаклини қисқартирди (3-расм, 2-чизик). ОДГ билан касалланган беморларнинг 3-гуруҳидаги микроциркуляция ҳолатини ўрганиш шуни кўрсатдики, ушбу тоифада РФП ни резорбцияси жуда секин кечади. Кузатув даври мобайнида РФП резорбцияси ҳеч бир ҳолатда кузатилмади ($T_{1/2} > 30$ мин – $P < 0,0001$). Шунинг учун график тасвир деярли горизонтал (3-расм, 3-чизик). Ушбу гуруҳдаги даволаш муолажалари катта ампутация билан яқунланди.



3 расм. ҚД ли ва ҚД бўлмаган беморларда РФП резорбциясининг динамикаси

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқотлар қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон берди: 1) ^{99m}Tc -пертехнетат ёрдамида РИТ усули ДТС ва ОДГ касалликларида РФП резорбцияси даражасида микроциркуляция ҳолати тўғрисида ишончли миқдорий маълумот олиш имконини беради; 2) артериолосклероз ёки бошқа сабаблар туфайли ривожланаётган микроциркулятор ўзгаришлар ДТСнинг қониқарсиз кечишига олиб келиши мумкин; 3) ^{99m}Tc -пертехнетатнинг ярим резорбцияси маълумотлари касалликнинг кейинги оқибатини олдиндан аниқлашга ва даволаш усулларини танлашга имкон берадиган қўшимча мезондир.

ҚД бўлмаган II-Б гуруҳида оёқ артериялари облитерацияловчи касалликлари бўлган беморларда ўзказилган 14та рентген ва морфологик текширувлар Менкеберг артериолосклерозининг мавжуд эмаслигини аниқлайди.

МСКТ текширув, ўзгаришлар ҳақида яхши маълумот беришини кўрсатди, аммо товон артериялари деворидаги Менкеберг артериолосклерозига хос ўзгаришлар ҳақида тўлиқ тасаввур беролмайди (4-расм). Бундан ташқари, АМСКТ қиммат текширув бўлиб, диабетик нефропатия билан оғриган беморларда контраст воситасининг салбий оқибатлари мавжуд. Оёқ артерияларининг ДС чизиқли қон оқимининг тезлиги, интима-медиа комплексининг қалинлиги ва томирларнинг ички деворининг ўзгариш кўрсаткичлари билан қон оқимининг ҳолатини аниқлайди.

ДС микроциркуляция ҳолатини ҳақида маълумот бермаслигига қарамадан, бу текширув РИТга муқобил бўлиши мумкин, бу эса II-Б гуруҳидаги беморларни даволашда рентген-ультратовуш маълумотларидан РИТ сиз, таклиф этилган такомиллаштирилган усулда даволаш муолажалари қўлланилди.



4 расм. АМСКТ (А) ва товоннинг рентгенограммаси (Б)

ДТСли барча беморларда оёқларнинг икки томонлама сканерлаш ва рентгенограмма текшируви бажарилиши зарур ва фақат ДСнинг оёқ магистрал артериялари окклюзияси аниқланганда, оёқ АМСКТ бажариш


тавсия этилади. Бундай ҳолларда оёқ артерияларида реконструктив қон томир амалиётлари бажарилиши ва кейинчалик, товонда аъзоларни сақлаш операцияларини бажариш тавсия этилади (5 расм).



5 расм. Болдир артериялари балон ангиопластикасининг босқичлари


Асосий гуруҳда рентгенолог ва РИТ текширувлари натижаларини солиштириш натижасида шуни кўрсатдики, ДТС ва ОДГ бўлган беморларда оёқ рентгенографияси ва РИТ бир-бирини тўлдиради, патологик жараённинг боришини тахмин қилиш ва тўғри даволаш усуллари танлаш имконини беради.

Текширув гуруҳи билан таққосланганда, такрорий амалиётлар сони деярли 4,5 мартага (30,9%дан 6,9%га - $\chi^2=14,307$; Df=1; P<0,0005); асосий гуруҳдаги йирик ампутациялар сони 4,2 баробар камайди (40,4%дан 9,6%га - $\chi^2=19,848$; Df=1; P<0,0001). Бир беморнинг ётоқда ётиш вақтининг ўртача давомийлиги $23,4 \pm 2,8$ кундан $17,2 \pm 1,5$ кунгача камайди (P<0,05). Беморларни асосий гуруҳда даволашнинг ишончли самараси рентген-радиоизотоп-ультратовуш маълумотларини ҳисобга олган ҳолда тавсия этилган такомиллаштирилган жарроҳлик даволанишининг тўғрилигини исботлади (6 расм).



6 расм. Беморларни тавсия этилган усулда даволанишнинг самарадорлиги

Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги даволаниш ва текшириш натижаларини назорат гуруҳи билан солиштириш, таклиф этилаётган даволаш ва ташхислаш чораларининг самарадорлиги бўйича олинган натижаларнинг тўғрилигини исботлади. Артериолосклероз, РИТ микроциркуляцияси ҳолати, оёқ ДС ва АМСКТларни ҳисобга олган ҳолда рентген текшируви бир-бирини тўлдиради. Шунга асосланиб, ДТСли беморлар учун даволаш усулларини танлаш учун алгоритм ишлаб чиқилди (7 расм).



7 расм. ДТС билан касалланган беморлар учун даволаш усулларини танлаш алгоритми

Шуни таъкидлаш керакки, рентген-радиоизотоп-ультратовуш текшируви ДТС ва ОДГ да ўтказиладиган бошқа текширув усулларини бекор қилмайди, фақат уларга қўшилади.

ХУЛОСА

1. ^{99m}Tc -пертехнетат ёрдамида РИТ ўтказиш ДТС ва ОДГ бўлган беморларда клиник кўринишни микроциркуляция ҳолати тўғрисидаги ишончли маълумот билан тўлдириш имконини берди. ДТСли беморларда препаратнинг ярим резорбция вақти ўртача $15,4 \pm 0,4$ мин ($T_{1/2} = 11-30$ мин – $P < 0,0001$) ташкил этди; ОДГли беморларда битта ҳолатда РФП ярим резорбцияси кузатилмади ($T_{1/2} > 30$ мин. – $P < 0,0001$). Барча ДТС ва ОДГ ҳолатларида, ангиопатия ва нейропатия кўринишидаги микроциркуляция бузилиши аниқланди. Менкеберг артериолосклерози шаклидаги микроангиопатия барча ҳолатларда микроциркулятор бузилишларга олиб келди.

2. Рентгенографик текширув натижалари таҳлили, ДТС турли шакллари Менкеберг артериолосклерозининг (текширилган беморларнинг 61% дан кўпида) частотасини касаллик босқичларига тақсимлаган ҳолда ва артериолосклероз босқичига боғлиқ равишда ДТС клиник кечиши ва хирургик даволаш натижасини аниқлаш имконини берди. Бу ДТС билан касалланган беморларда рентген текширувдан даволаш усуллари танлашда артериолосклерознинг босқичини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш имконини берди. Текширилган беморларнинг ярмидан кўпида Менкеберг артериолосклерозини аниқланиши, ҚД да оёқ артериолосклерози патогенезинда, унинг ривожланиш патофизиологияси ва биокимёвий механизмларини янада чуқур ўрганишни талаб этади.

3. ДТС ва ОДГли беморларнинг анъанавий даволаш натижаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, салбий натижаларнинг асосий сабаблари оёқ тўқималарининг зарарланиш даражасини ва томир тизимидаги ўзгаришларни (шу жумладан микроциркулятор ўзгаришлар ҳақида маълумот йўқлиги) етарли баҳоланмаслиги, жарроҳлик тактикасини танлашдаги хатоликлар, такрорий амалиётларни олдини олиш учун гипердиагностика.

4. Оёқ бармоқлари жарроҳлигида ишлаб чиқилган оригинал усул (метатарзал суякларни қия йўналишда зинама зина резекцияси) ва таклиф этилган такомиллаштирилган хирургик даволаш (оёқ бармоқлари ампутациясида: 1 ёки 5-метатарсал суяк 1/2 қисмини қия йўналишда кесиб олиб ташлаш; 2, 3 ёки 4-метатарсал суяклар 2/3 қисмини кўндаланг йўналишда кесиб олиб ташлаш; Шарп бўйича товон трансметатарзал резекциясини такомиллаштирилган техникаси) жарроҳлик принципларини асослаш, ҚДли беморларда юз бераётган патологик жараёнларни ташхислашда ишлаб чиқилган янги ёндашувлар, такрорий амалиётларни 30,9% дан 6,9% гача ($\chi^2=14,307$; $Df=1$; $P < 0,0005$); катта ампутация сонини 40,4% дан 9,6% гача ($\chi^2=19,848$; $Df=1$; $P < 0,0001$); шифохонада ўртача бўлиш муддатини $23,4 \pm 2,8$ дан $17,2 \pm 1,5$ кунгача камайтиришга имкон берди ($P < 0,05$).

5. ДТСли беморларда рентген-радиоизотопно-ультратовуш текшируви натижаларини назарга тутган ҳолда хирургик даволаш тактикасини танлаш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм тўғри ва адекват даволаш имконини берди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.49.01 ПРИ
РЕСПУБЛИКАНСКОМ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОМ МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ХИРУРГИИ ИМЕНИ
АКАДЕМИКА В.ВАХИДОВА И ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ
АКАДЕМИИ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

КУРБАНОВ ЭРКИН ЮСУФОВИЧ

**МИКРОЦИРКУЛЯТОРНЫЕ НАРУШЕНИЯ И АРТЕРИОЛОСКЛЕРОЗ
В ВЫБОРЕ ТАКТИКИ ЛЕЧЕНИЯ СИНДРОМА ДИАБЕТИЧЕСКОЙ
СТОПЫ**

14.00.27 - Хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ - 2018

Тема диссертации доктора философии (Doctor of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.2.PhD/Tib.691.

Диссертация выполнена в Самаркандском Государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.med.uz/surgery) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Бабаджанов Бахтиер Дусчанбаевич**
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Асамов Равшан Эркинович**
доктор медицинских наук, профессор

Исламов Миралишер Садриддинович
доктор медицинских наук

Ведущая организация: **Федеральное Государственное Бюджетное Учреждение «Национальный медицинский исследовательский центр хирургии имени А.В. Вишневского» (Российская Федерация)**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 г. в ____ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.Tib.49.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре хирургии имени академика В.Вахидова и Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр хирургии имени академика В.Вахидова).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра хирургии имени академика В.Вахидова (зарегистрирована за № 56). Адрес: 100115, г. Ташкент, ул. Кичик халка йули, 10. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки №__ от _____ 2018 года).

Ф.Г. Назиров

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, профессор, академик

А.Х. Бабаджанов

Ученый секретарь научного совета по присуждению
ученых степеней, доктор медицинских наук

А.В. Девятов

Председатель научного семинара при научном совете по
присуждению ученых степеней
доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «в мире отмечен рост числа людей, страдающих сахарным диабетом (СД), со 108 миллионов в 1980 году до 422 миллионов в 2014 году. По оценкам экспертов в среднем ежегодно регистрируется 1,5 миллиона случаев смерти, напрямую связанных с диабетом, а еще 2,2 миллиона случаев смерти были обусловлены высоким содержанием глюкозы в крови»¹. Несмотря на определенные успехи в лечении, СД признан одним из наиболее важных неинфекционных заболеваний, распространенность которого приобрела характер пандемии. Рост заболеваемости наблюдается в геометрической прогрессии. По данным Международной диабетической федерации к 2040 г. прогнозируется рост количества больных СД до 642 миллионов человек. Общим результатом неконтролируемого диабета является гипергликемия, что со временем приводит к серьезному повреждению многих систем организма, особенно нервов и кровеносных сосудов. По прогнозам ВОЗ «в 2030 году диабет будет занимать седьмое место среди причин смертности»². Одним из тяжелых хирургических осложнений СД является синдром диабетической стопы (СДС) и диабетическая гангрена нижней конечности (ДГНК). Несмотря на развитие лечебно-диагностических технологий эта группа осложнений, по-прежнему, сохраняет высокую актуальность в плане высокой частоты неудовлетворительных результатов лечения, итогом которых является необходимость выполнения инвалидизирующих ампутационных вмешательств.

В мировой практике проводится целый ряд целенаправленных научных исследований для изучения патогенеза развития СД и СДС, в том числе определение распространенности этой патологии с учетом генетических особенностей популяции, верификация предрасполагающих факторов с уточнением морфо-функциональных критериев оценки тяжести течения заболевания и прогностической дифференцировки возможных групп осложнений. Особое внимание уделяется исследованию механизмов развития диабетической ангиопатии с определением иммуногистохимических особенностей прогрессирования патологического процесса. С целью совершенствования подходов к выбору патогенетически обоснованной оптимальной тактики лечения, основанной на идентификации тяжести течения заболевания, локализации процесса, характере поражения сосудов нижних конечностей в настоящий период большое внимание отводится разработке специфического мониторинга с изучением динамики степени деструктивных изменений в нижних конечностях, выявлении диагностических критериев сохранения их опорной функции. В связи с этим

¹ World Health Organization. fact sheet no.377. World Health Organization website 2017. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/diabetes>.

² William R. Rowley, Clement Bezold, Yasemin Arıkan, Erin Byrne, Shannon Krohe. Diabetes 2030: Insights from Yesterday, Today, and Future Trends // Population Health Management – 2017. – 20 (1). – P. 6-12.

на сегодняшний день актуальными остаются вопросы разработки дифференцированной тактики лечения с учетом всех возможных диагностических данных и усовершенствования хирургических способов лечения СДС.

В настоящий период одной из приоритетных задач отечественного здравоохранения является осуществление масштабных мероприятий по коренному улучшению качества и существенному расширению диапазона оказываемой населению высокотехнологичной специализированной медицинской помощи. В этом направлении, в частности, в улучшении качества диагностики и лечения больных с СД, достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для улучшения результатов лечения и снижения риска инвалидизации у этой сложной категории пациентов, требуется продолжение научных исследований с усовершенствованием терапевтических и хирургических подходов. Решение данной проблемы тесно связано с пятью приоритетными направлениями развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы, направленных на «снижение уровня заболеваемости и смертности среди населения»¹. Реализация данных задач, в том числе, улучшение результатов лечения больных СДС путём оптимизации диагностических мероприятий и усовершенствования хирургической тактики является одним из актуальных направлений.

